

Ўзбекистон Президенти Туркменистон билан стратегик шерикликни ривожлантириш учун мавжуд кенг имкониятларни қайд этди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 январь куни ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши тадбирлари доирасида Тошкент шаҳрида бўлиб турган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Вазир Рашид Мередов давлатимиз раҳбарига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Халқ Маслаҳати Раиси, Миллат Етакчиси Гурбангули Бердимухамедовнинг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда 2022 йилнинг 14-15 июль кунларидаги Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ва 21-22 октябрь кунларидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркменистонга расмий ташрифи давомида эришилган олий даражадаги келишувларни амалга ошириш жиҳатлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон-Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт, савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қатор қўшма тадбирлар – Ҳукуматлараро комиссия, Сув хўжалиги масалалари бўйича қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишлари, ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар, маданий ва бошқа тадбирлар ўтказилиши таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Бўлажак учрашувлар режаси қўриб чиқилди.



Манба